

Шаҳвоний хаёлларнинг муолажаси



12:25 / 13.04.2025 1948

Шайх, доктор Абдулхай Орифий қуддиса сирруху шундай дедилар: «Гуноҳларга журъат ва иштиёқ пайдо бўлганда, дарҳол уларни муолажа этишга ҳаракат қилинг. Қачон қалбда «ҳаромга бир қараб олай, бир назар ташлаб маза қилай, деган хоҳиш пайдо бўлса, тасаввур қилинг, отангиз сизни кўриб турибди. Шунда ҳам бу ҳаракатингизни давом эттирармидингиз? Ёки шайхингиз кўз олдида ҳам юзсизларча ҳаромга тикилаверармидингиз? Фарзандларингиз олдида ҳамми? Аниқки, агар улардан бирортаси менинг бу ҳаракатимни кўриб турган бўлса, назаримни пастга оламан ва қалбда қанчалик кучли хоҳиш бўлмасин, бу ишни қилмайман. Сиз ҳам шундай пайтда кўзингизни тиясиз, деб умид қиламан.

Кейин шундай тасаввур қилингки, одамларнинг кўриш-кўрмаслигидан менинг дунё ва охиратим учун бирор фойда йўқ, лекин бу ҳолатимни

Аҳкамул ҳокимийн бўлган Зот Аллоҳ таоло кўриб турибди, У Зот менга бу ишим учун, истаса, жазо ҳам беради.

Шу нарсаларни ўйласа, иншаАллоҳ, Аллоҳ таоло бандани бу гуноҳдан муҳофаза қилади.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/ 2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида чоп этилган.